

**“GIDROMAXSUSQURILISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
30.06.2022 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ**

Умумий йиғилиш ўтказилган сана: 30 июн 2022 йил

Жойи: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 22-уй,
“Gidromaxsusqurilish” АЖ маъмурий биноси

Умумий йиғилиш бошланган вақти: соат 11:00

Акциядорларга тегишли овоз берувчи оддий акциялар сони: 1 320 800 дона

Йиғилишда иштирок этган овоз берувчи акциялар сони: 1 287 660 дона.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан **овоз бериш натижалари:**

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ва санок комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш.

1-масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

Масалаларни муҳокама қилиш йиғилиш кун тартибига асосан амалга оширилади;

Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш – 5 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси – 5 минутгача;

Чиқишлар юзасидан савол ва таклифлар – 3 минутгача;

Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

2. Йиғилиш санок комиссиясининг аъзолари сони ва шахсий таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Ё.Шаропов;

2. Н.Шерматова;

3. Д.Махсудова.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

2. Жамият ижроия органининг Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

2- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, шу жумладан Жамиятнинг 2021 йилги бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан жамият ижроия органининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

3. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича (йиллик) ҳисоботини тасдиқлаш.

3- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамиятнинг 2021 йилдаги бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар, йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

4. Жамиятда 2021 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳисоботини тасдиқлаш.

4- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1 “Gidromaxsusqurilish” АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якунлари тўғрисидаги инвестиция маслаҳатчиси ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

5. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

5- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Кузатув кенгашининг 2021 йилда “Gidromaxsusqurilish” АЖ фаолиятини ваколати доирасида бошқаруви бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

6. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш.

6- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамиятнинг 2021 йил молия - хўжалик фаолияти бўйича “Balans-inform-audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси ва хулосаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

7. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.

7- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссияси тешируви хулосаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

8. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимооти, дивидендларни бўлаш шакли, миқдори ва тартибини тасдиқлаш.

8- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамият томонидан 2021 йил якуни бўйича 1 276 747 000 сўм миқдорида соф фойда олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

2. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олган 1 276 747 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

а) акциядорлар учун дивиденд бўлашга - 50% ёки 638 362 952 сўм, шундан:

- оддий акцияларга – 628 951 752 сўм, ҳар бир дона акцияга 476,19 сўмдан;
 - имтиёзли акцияларга – 9 411 200 сўм ёки ҳар бир дона акцияга 276,8 сўм.
- б) Жамиятни ривожлантиришга - 50% ёки 638 384 048 сўм.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

9. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.

9- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши томонидан маъқулланганлигини ва унга киритилган ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органига бизнес-режанинг кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш ва ҳар чорақда унинг ижроси тўғрисида кузатув кенгашига ҳисобот бериб бориш топширилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

10. Жамият ижроия органини сайлаш.

10- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамият Бош директори в.в.б. сифатида Фатиллаев Қахрамон Шарапович билан тегишли меҳнат шартномаси олти ой муддатга тузилсин.

2. Кузатув кенгаши раисига Қ.Фатиллаев билан тегишли меҳнат шартномасини тузиш топширилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Амирсайдов Бекзод Тимурович- **“Тарафдорлар”**- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

2. Ибрагимова Гузал Бахтияровна- **“Тарафдорлар”**- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

3. Исматов Суръатилла Хамидуллаевич- **“Тарафдорлар”**- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

4. Абдуллаходжаев Аълохужа Хасанович- **“Тарафдорлар”**- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

5. Хайдаров Рашид Хасанович- **“Тарафдорлар”**- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Хафизов Жавохир Журабоевич-**“Тарафдорлар”**- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ;

2. Рахматуллаев Нуриддин Зиявуддинович-“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; “Қарши”- йўқ; “Бетараф”-йўқ;

3. Мирзаев Ғолибжон Ризоевич-“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; “Қарши”- йўқ; “Бетараф”-йўқ.

13. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси(структура)ни қайта тасдиқлаш.

13- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сон Қонунига кўра акциядорлик жамиятларида тафтиш комиссиясини ташкил этиш мажбурийлиги тўғрисидаги талаблар бекор қилинганлиги ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан тафтиш комиссияси фаолиятини давом эттиришга рухсат берилганлигини инобатга олиб, Жамиятнинг олдинги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; “Қарши”- йўқ; “Бетараф”-йўқ.

14. Аффилланган шахслар билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.

14- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1. Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида аффилланган шахсларлар билан (рўйхатга асосан) акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар маъқуллансин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; “Қарши”- йўқ; “Бетараф”-йўқ.

15. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва ички корпоратив Низомлари (“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низомлари) ни тасдиқлаш.

15- масала бўйича овозга қўйилган саволлар:

1.“Gidromaxsusqurilish” АЖнинг Устави унга киритилаётган ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

2.“Gidromaxsusqurilish” АЖнинг ижроия органига жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш топширилсин.

3.“Gidromaxsusqurilish” АЖнинг қуйидаги ички ҳужжатлари иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин: а) “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низом; б) “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом; в) “Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисида”ги низом; д) “Ижроия органи тўғрисида”ги низом; е) “Ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низом.

4. Жамиятнинг барча бошқарув ва назорат органларига ўз фаолиятини олиб боришда жамиятнинг ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш топширилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660 та овоз; **“Қарши”**- йўқ; **“Бетараф”**-йўқ.

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ваколатли.